

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.06.2020.T.03.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭРМАТОВ НАВРУЗ ХУШМУРАДОВИЧ

**ЯКУНИЙ ИШЛАТИШ ДАВРИДА ҚАТЛАМСИМОН ТУРДАГИ
НЕФТЬ УЮМЛАРИДА СУВ БОСТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
АНИҚЛОВЧИ ГЕОЛОГИК-ФИЗИК ВА ТЕХНОЛОГИК
КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ**

04.00.13 – “Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИНИНГ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Эрматов Навруз Хушмурадович

Яқуний ишлатиш даврида қатламсимон турдаги нефть уюмларида сув бостириш самарадорлигини аниқловчи геологик-физик ва технологик кўрсаткичларни аниқлаш.....3

Эрматов Навруз Хушмурадович

Установление геолого-физических и технологических факторов, определяющих эффективность заводнения нефтяных залежей пластового типа, на поздней стадии разработки25

Ermatov Navruz Khushmuradovich

Determination of geological-physical and technological parameters that identify the effectiveness of flooding in stratified oil deposits during the final operation47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.06.2020.T.03.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭРМАТОВ НАВРУЗ ХУШМУРАДОВИЧ

**ЯКУНИЙ ИШЛАТИШ ДАВРИДА ҚАТЛАМСИМОН ТУРДАГИ
НЕФТЬ УЮМЛАРИДА СУВ БОСТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
АНИҚЛОВЧИ ГЕОЛОГИК-ФИЗИК ВА ТЕХНОЛОГИК
КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ**

04.00.13 – “Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИНИНГ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/T279 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.tdtu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Агзамов Аваз Хамидиллаевич техника фанлари доктори, профессор, Россия табиий фанлар академияси аъзоси
Расмий оппонентлар:	Назаров Улуғбек Султанович техника фанлари доктори, профессор Закиров Алимджан Абдурахимович техника фанлари доктори, профессор Холмуродов Абдулхамид Эркинович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	“Ўзбекнефгаз” АЖ

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил “9” февраль соат “11.00” даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел/факс: (+99871)246-46-00, факс: (+99871)227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№196-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2, Тел/факс: (+99871)246-46-00, факс: (+99871)227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” январь куни тарқатилди.
(2021 йил “___” январдаги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Рахимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ш.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.А.Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефть казиб олувчи давлатларнинг асосий муаммоларидан бири ишлатилаётган конлардаги қолган геологик захираларни чиқариб олиш даражасини орттириш ҳисобланади, чунки уларнинг ҳажми ер шаридаги нефтьга истиқболли ўлкалардаги башорат қилинган захиралардан анча ортиқ. Ҳозирги вақтда маҳсулдор қатламлардан юқори суръатларда нефть олишга эришишнинг ва чиқариб олиш даражасини орттиришнинг асосий усули сув бостириш ҳисобланади. Шу сабабли, нефть конларининг геологик-физик шароитлари мураккаблашиб бораётган шароитларда уларнинг ишлатиш самарадорлигини орттириш кўп жиҳатдан, кўп йиллик қўлланиш тажрибасига қарамасдан, сув бостириш усулини янада такомиллаштиришга боғлиқ. Бу йўналишда асосий қолдиқ нефть захиралари жамланган мураккаб геологик-физик шароитлардаги маҳсулдор қатламларни сув бостириш усулининг методологик асосларини такомиллаштириш юқори нефть олиш суръатларига эришиш ва ер қаъридан захираларни нисбатан тўлароқ чиқариб олиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда нефть конларини сув бостириш билан ишлатишнинг методологик асосларининг ривожланиши ҳозирги вақтда амалдаги усулни асослашнинг принципиал ҳолатларини қайта кўриб чиқишга йўналтирилган, жумладан жараёни бошлаш вақти, қудуқларни жойлаштириш тизими ва зичлиги, қудуқларни сувланиш сабабли тўхтатиш чегараси ва бошқ. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар ишлатиш объектларининг геологик-физик хусусиятларини нисбатан тўлароқ ҳисобга олишга асосланган. Нефть қатламларининг сув бостириш муаммоларини ҳал этиш учун узоқ муддат ишлатилаётган конларнинг маълумотлари асосида усулнинг амалиётдаги тажрибаларини умумлаштириш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш, жараёни жорий этиш критерийларини аниқлаш ва асослаш зарурати юзага келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлатилаётган углеводород конларида жадаллаштириш ва қатламларнинг компонент бера олишини оширишнинг янги технологияларини қўллаш йўли билан нефть олиш суръатларини ва қолдиқ захираларни чиқариб олиш даражасини орттириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да¹ тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда саноат тармоқлари фаолиятини янги технологик босқичга олиб чиқиш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, конларни сув бостириб ишлатишнинг методологик асосларини такомиллаштириш, юқори нефть олиш суръатларига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони

ва қатламлардан тўлароқ чиқариб олиш даражасига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон “2017-2021 йилларда углеводород хомашёсини қазиб олишни ошириш тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Турли турдаги сув бостиришни қўллаш билан қатлам босимини ушлаб туришнинг методологик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Россия нефть илмий-тадқиқот институти (Россия), American Petroleum Institute (АПТ, АҚШ), Oil Gas Scientific Research Project Institute (АҚШ), Petroleum Engineering and Project Development JFP School (Франция), Озарбайжон нефть ва газ институти, Уфа нефть институти (Россия), Татаристон нефть илмий текшириш ва лойиҳалаш институти (Россия), И.М.Губкин номи Россия давлат нефть ва газ университети, Ўзбекистон нефтьгаз лойиҳа ва илмий текшириш институти ҳамда Тошкент давлат техника университети ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (Ўзбекистон) олиб бормоқда.

Сув бостириш усулларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: нефть уюмларини геологик-физик шароитларга боғлиқ ҳолда сув бостириш усулини танлаш критерийлари ишлаб чиқилган (Россия нефть илмий-тадқиқот институти), олувчи ва ҳайдовчи қудукларни жойлаштириш тизими ва жараён жадаллиги асосида сув бостириш турларининг таснифи асосланган (Татаристон нефть илмий-текшириш ва лойиҳалаш институти, Россия), нефть уюмларини якуний ишлаш даврида жараённи амалга ошириш моделлари яратилган (Oil Gas Scientific Research Project Institute, АҚШ), сув бостириш жараёнининг технологик

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-илмий тадқиқотлар шарҳи www.api.org, www.gubkin.ru, www.vniigaz.gazprom.ru, www.seb.com, www.gazprom.ru, www.runeft.ru, www.vesti-gas.ru, www.spe.org, www.oil-industry.net, www.kpfu.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

кўрсаткичларини башоратлаш ва ҳисобли экспериментлар ўтказиш учун алгоритмлар ишлаб чиқилган (Petroleum Engineering and Project Development JFP School, Франция), нефтнинг реологик хоссаларининг сув бостириш жараёни самарадорлигига таъсири баҳоланган (Уфа нефть институти, Россия), олувчи ва ҳайдовчи кудуқларни оқилона жойлаштириш, жумладан кудуқларни турли йўналишда бурғилаш ҳисобга олинган технологик қарорлар яратилган (American Petroleum Institute, АҚШ).

Дунёда нефтли қатламларни сув бостиришнинг методологик асосларини ривожлантириш учун қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: сув бостириш жараёнида нефтли қатламда моделларнинг кўчишини ва нефть уюмининг ифлосланишини моделлаштириш; дарзли ва дарзли-ғовакли коллекторлардан иборат объектларда сув ҳайдаш ва суюқлик олиш кўрсаткичларини оптималлаш; горизонтал йўналишли ҳайдаш ва олиш кудуқларидан иборат нефть конларини ишлатишда фильтрация жараёнини ўрганиш; уюмларнинг турли геологик-физик шароитларда усул самарадорлигини баҳолаш ва нефтнинг геологик захираларини максимал чиқариб олиш мақсадида сув бостиришнинг комбинацион тизимларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефтли қатламларнинг сув бостириш усулларини яратиш ва такомиллаштиришга кўп сонли назарий, кон ва экспериментал тадқиқотлар бағишланган.

Нефтли қатламларни сув бостиришнинг турли саволларини ўрганишга Афанасьев В.А., Базиев В.Ф., Баренблатт Г.И., Bass D.M., Гавура А.В., Grawford P.B., Горбунов А.Т., Дияшев Р.Н., Doscher T.M., Ентов В.М., Забродин Д.Б., Закиров С.Н., Иванова М.М., Колганов В.И., Крылов А.П., Кундин С.А., Kute V.B., Лысенко В.Д., Сабитов Д.К., Stenelift R.J., Stephan S.C., Сургучев М.Л., Хисамов Р.С., Harding T.G., Horne R.H., Farang-Ali S.M., Fetter C.W., Floen D.H., Шеметилло В.Г., Фомин С.А., Чугунов В.А. ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Ушбу саволларни Ўзбекистон конлари маълумотлари асосида ўрганишга Азимов П.К., Назаров С.Н., Ирматов Э.К., Назаров У.С., Хужаёров Б.Х., Махмудов Н.Н., Закиров А.А., Акрамов Б.Ш., Сидикхўжаев Р.К., Назаров А.У. ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган.

Фан ва технологияларнинг замонавий ривожланиш ҳолати нефть олиш суръатларини ва қатламлардан нефть захираларини чиқариб олиш даражасини орттириш мақсадида, маҳсулдор қатламларда сув бостиришнинг турли усулларини қўллашга йўналтирилган нефть конларини лойиҳалаштириш ва ишлатишни таҳлил қилишни такомиллаштириш заруриятини белгилаб беради.

Шу сабабли, захиралари қийин чиқариб олинадиган тоифага кирувчи, мураккаб геологик-физик шароитлардаги конларда юқори нефть олиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган илмий-технологик ва лойиҳавий ечимлар топилиши зарур. Ҳозирги вақтгача кичик ўтказувчан ва коллектор хоссалари турлича бўлган, газ ости нефть уюмлари ва юқори қовушқоқ

нефтли объектларда сув бостириш усулининг самарадорлик саволлари тўлиқ ҳал этилмаган.

Сув бостириш усулининг принципал ҳолатлари бўлган жараёни бошлаш вақти, суюқлик олиш ва сув ҳайдаш суръатлари, нефть чиқариб олиш даражаси камраб олинган ечимлар ўзининг ривожини талаб этади. Бундай ёндашув маҳсулдор қатламларда турли сув бостириш усуллари қўлланилганда нефть конларининг технологик ишлатиш кўрсаткичларини тўла асослаб башорат қилиш, суюқлик олиш ва сув ҳайдашни тезкор назорат қилиш, қудуқларни жойлаштириш тизимини ва зичлигини оптималлаштириш, олувчи ва ҳайдовчи қудуқларни ишлатишнинг оптимал технологик режимини ўрнатиш имкониятини яратади.

Бундай сув бостиришдаги принципал ҳолатларнинг ечилиши жараёни самарадорлигини, нефть олиш суръатини ва қатламдан чиқариб олиш даражасини орттириш сув олиш ҳажмларини камайтириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №65-пуд-13 “Шўртепа конининг жорий ишлаш ҳолати таҳлили”, №ПГИ/51-18 “Шакарбулоқ конида нефть олишни барқарорлаштириш бўйича таҳлил ва геологик-техник тадбирлар ишлаб чиқиш”, №НГКИТФ/55-19 “Жанубий Миршоди конида нефть олишни барқарорлаштириш бўйича таҳлил ва геологик-техник тадбирлар ишлаб чиқиш” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳсулдор қатламларга сув бостиришнинг принципал ҳолатларини асослаш усулларини ишлаб чиқиш ва Фарғона нефтгаз вилоятидаги конларда қатламсимон турдаги уюмлардан нефть олиш суръатини ва чиқариб олиш даражасини орттиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона нефтгаз вилоятидаги қатламсимон нефть уюмларининг геологик-физик шароитлари хусусиятларини тизимли умумлаштириш;
маҳсулдор қатламлар бўйича геологик ва олинадиган нефть захираларининг тақсимланишини ва олинганлик даражасини ўрганиш;

Фарғона нефтгаз вилоятидаги объектларни ишлатиш хусусиятларини тизимли умумлаштириш;

нефть қазиб олиш коэффиценти катталигини аниқловчи асосий геологик ва технологик кўрсаткичлар маълумотдорлигини баҳолаш ва ажратиш;

сув бостириш ва маҳсулдор қатламларни ягона ишлатиш объектига бирлаштириш самарадорлигини баҳолаш;

жараённинг принципал ҳолатларини оптималлаштириш йўли билан сув бостириш самарадорлигини ошириш бўйича технологик қарорларни ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти. Фарғона нефтгаз вилоятидаги қатламсимон нефть уюмлари тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қатламсимон нефть уюмларини ишлатишда сув бостиришни лойиҳалаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган масалаларни ечишда геологик-кон маълумотларини тартиблаштириш ва таҳлил этиш, аналитик тадқиқот ва уларнинг натижаларини кон маълумотлари билан таққослаш, геологик-технологик маълумотларни статистик ва стохастик усуллар билан қайта ишлаш ҳамда нефть қазиб олиш жараёнининг математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона нефтгазли вилоятидаги маҳсулдор қатламлар бўйича геологик ва олинадиган нефть захираларининг тақсимланганлиги ва қазиб олинганлик даражаси аниқланган;

ишлатиш босқичлари бўйича суюқлик ва нефть олиш суръатлари орасидаги боғлиқликлар исботланган;

маҳсулдор қатламларни сув бостириш ҳисобига нефтни қазиб олинганлик коэффициентининг ортиши баҳоланган;

бир нечта қатламларни ягона ишлатиш объектига бирлаштириш натижасида йўқотиладиган нефть ҳажми аниқланган;

чегара олди сув бостириш усулининг чегара ичра сув бостириш турли усуллари билан биргаликдаги нисбатан юқори самарадорлиги аниқланган;

нефтни қазиб олиш коэффициенти энг катта таъсир этувчи геологик-технологик кўрсаткичлар аниқланган;

нефть қазиб олиш коэффициентининг ўлчамсиз босимдан боғлиқлиги математик модели ишлаб чиқилган;

турли коллекторлар ва ишлатиш тизимлари учун нефть қазиб олиш коэффициентининг қатламнинг ювилганлик даражасидан боғлиқлиги математик моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли сув бостириш усуллари ва маҳсулдор қатламларни ягона ишлатиш объектига бирлаштириш самарадорлигини аниқловчи геологик кўрсаткичлар асосланган бўлиб, уларни қўллаш ҳисобига нефть қазиб олиш коэффициентининг ортишини баҳолаш имконини беради;

ишлатиш босқичлари бўйича суюқлик олиш суръатларининг қудуқлар маҳсулотининг сувланишига таъсир даражаси асосланган бўлиб, қудуқларни ишлатиш режимини оптималлаштириш геологик-техник тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради;

қатламнинг ювилганлик ва нефтнинг қазиб олинганлик коэффициенти суюқлик олишнинг сув ҳайдаш билан қопланганликнинг таъсири даражаси асосланган бўлиб, суюқлик олиш ва сув ҳайдаш ҳажмини оптималлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги конларни ишлатишда амалда олинган кўрсаткичларнинг ўрнатилган моделлар асосида олинган башоратланган кўрсаткичларга мос

келиши ҳамда уларнинг юқори корреляцион боғлиқликлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қатламсимон нефть уюмлари учун сув бостириш усулининг принципиал ҳолатларини оптималлашнинг методологик асосларини такомиллаштиришдан ва нефть қазиб олиш коэффициентининг геологик-техник кўрсаткичлардан ўрнатилган боғлиқликларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув бостиришни ва қатламларни ягона ишлатиш объектига бирлаштиришнинг самарали қўллаш геологик-физик шароитларини, сув бостириш жараёнини оптимал бошлаш вақтини аниқлаш ва ҳайдовчи кудуқларнинг оқилона нисбатининг ўрнатилганлигида бўлиб, улар якуний натижада Фарғона нефтьгаз вилоятидаги қатламсимон турдаги нефть уюмларини ишлатиш самарадорлигининг ва нефть қазиб олиш даражасининг ортишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Якуний ишлатиш даврида қатламсимон турдаги нефть уюмларида сув бостириш самарадорлигини аниқловчи геологик-физик ва технологик кўрсаткичларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошланғич кудуқлар тўрини зичлаштириш технологияси “Муборакнефтьгаз” АЖнинг Шўртепа конидаги XIII горизонти ва “Гиссарнефтьгаз” МЧЖ қўшма корхонасининг Шакарбулоқ конидаги XV горизонтида жорий қилинган (“Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-25-1-103-сон маълумотномаси). Натижада, Шўртепа конида 2014–2017 йиллар даврида йиллик нефть қазиб олишни 2,4–2,5 минг тонна миқдорида барқарорлаштириш, Шакарбулоқ конида эса ҳисобланган якуний нефть қазиб олиш коэффициенти 15,36% га ошириш имконини берган;

сув оқими йўлини беркитиш технологияси “Жарқўрғоннефть” АЖнинг Хаудаг, Амударё, Учқизил, Жанубий Миршоди конларидаги кудуқларда жорий қилинган (“Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-25-1-103-сон маълумотномаси). Натижада, 2017–2019 йиллар мобайнида кудуқлар маҳсулоти таркибидаги сув миқдорини камайтириш ва қўшимча 6460 тонна нефть олиш имконини берган;

қатлам оралиқларини қўшимча отиш йўли билан ишлатишга киритилмаган қатламчаларни қўшиш технологияси “Андижоннефть” АЖнинг Андижон ва Жанубий Оламушук конларидаги кудуқларда жорий қилинган (“Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-25-1-103-сон маълумотномаси). Натижада, 2016–2018 йиллар мобайнида қўшимча 1951 тонна нефть олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижажаларининг эълон қилинганлиги. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 33 та илмий ишлар нашр қилинган, жумладан 11 таси диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда ва улардан 4 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 204 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифаси асосланади, тадқиқот объекти таснифи, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги белгиланади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилади, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фарғона нефтгаз вилоятидаги нефть уюмларининг геологик тузилиши хусусиятлари”** номли биринчи бобида уюмларнинг хусусиятлари, нефть ва коллекторлари хоссалари, қатламларни ишлатиш режимлари ва маҳсулдор ётқизиклар бўйича саноат миқёсидаги углеводород захираларининг тақсимланганлиги келтирилган.

Фарғона нефтгаз вилоятидаги (ФНГВ) ишлатилаётган конларнинг ҳозирги нефть қазиб олиш ҳолати қуйидаги асосий хусусиятлардан иборат эканлиги келтирилган:

- кўп конларнинг якуний ишлатиш босқичига кирганлиги;
- эришилган нефть қазиб олиш коэффициенти даражаси паст кичик ўлчамли нефть уюмларининг борлиги;
- ишлатилаётган конларда олиниши қийин бўлган қолдиқ нефть захиралари улушининг ортиб бориши;
- нисбатан катта чуқурликда ётувчи нефть уюмларини ишлатиш самарадорлигининг пастлиги;
- янги конлар очиш истиқболининг асосан катта чуқурликдаги марказий қисми ва жанубий қисми билан боғлиқлиги.

Ушбу ўлкадаги конлар бўйича бажарилган ишларнинг натижаларини умумлаштириш асосида Фарғона нефтгаз вилоятининг тузилиши неоген, палеоген, мезозой (бўр, юра) ва палеозой ётқизикларидан иборатлиги келтирилган. Маълум нефть уюмлари асосан қатламсимон-кубба турга мансуб, бузилишлар билан мураккаблашган ҳолларда эса тектоник тўсикли уюмлар ҳам кузатилади. Нефть уюмларининг узунлиги 10 дан 15 км гача, кенлиги 2-3 км, қатламларнинг ётиш бурчаги 20-30° ва каттароқ бўлган тор асимметрик тузилмалар билан боғлиқ. Кўп қатламли уюмлар учун маҳсулдор қатламлар қалинлигининг катта эмаслиги, бошланғич қатлам босими билан нефтнинг газга тўйиниш босими орасидаги фарқнинг кичиклиги деярли ҳамма конларга хосдир.

Маҳсулдор V, VI, VII, VIII, IX горизонтларнинг ташкил этувчи кесимидаги карбонат тоғ жинслари ҳажмий зичлиги $2,07-2,72 \text{ г/см}^3$, гилланганлиги 4-16%, ғоваклик коэффиценти 7-25% ва ўтказувчанлиги $0,01-0,393 \text{ мкм}^2$ бўлган оҳактошлар ва доломитлардан иборат.


Маҳсулдор БРС, ККС, I, Ia, Ib, II, III, IV, XVIII, XIX, XX, XXI, XXII, XXIII, XXVIII, XXX горизонтларнинг ташкил этувчи кесимидаги кумтошлар ва алевролитларнинг таркибидаги семон миқдори 10-12 дан 30-35% гача, ғоваклик коэффиценти 0,09-0,22 ва ўтказувчанлиги $0,004-0,440 \text{ мкм}^2$. Чақик тоғ жинслари зичланганлик даражаси бўйича кам зичланган, зичланган ва катта зичланган турларга мансуб. Фарғона нефтгаз вилоятидаги нефтларнинг таркиби ва физик-кимёвий хоссалари нисбатан турли. Уларнинг зичлиги $0,829$ дан $0,884 \text{ г/см}^3$ гача ўзгаради ва кичик олтингугуртли (0,09-0,75%), юқори мумли (1,4-18%), юқори қатронли (катрон+асфальтенлар 3,4 дан 30,27% гача) турларга мансуб.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг фарқ қилишига қарамай ФНГВ уюмларидаги нефтнинг қовушқоқлиги кичик ораликда 0,7 дан 6,0 мПа·с гача ўзгаради.


ФНГВ очилган конларнинг геологик ва олинадиган А+В+С, тоифалардаги захираларининг маҳсулдор қатламлар бўйича тақсимланиши таҳлили карбонатли ва терригенли коллекторда уларнинг деярли тенг эканлигини кўрсатмоқда (1-расм). Бироқ маҳсулдор қатламлар бўйича геологик ва олинадиган нефть захиралари жуда ҳам нотекис тақсимланган (2,3-расмлар). Геологик ва олинадиган нефть захираларининг асосий қисми палеоген ётқизикларига тўғри келса (мос холда 69,8 ва 70,5%), неогенда - 26,7 ва 24,7 %, бўрда - 2,6 ва 3,9% ва юрада - 0,9 ва 0,9% ни ташкил этади.

Диссертациянинг **“Конларни жорий ишлатиш ҳолатининг таҳлили ва сув бостиришнинг самарадорлигини баҳолаш”** номли иккинчи бобида ФНГВ конларнинг кўп қатламлилиги, маҳсулдор кесимидаги жинсларнинг литологик ўзгарувчанлиги, маҳсулдор қатламлар қалинлигининг кичиклиги, бошланғич қатлам босими билан нефтнинг газга тўйиниш босими орасидаги фарқнинг озлиги ва нефтда қатрон миқдорининг кўплиги билан боғлиқ геологик-физик хусусиятларидан ташқари бир қатор ўзига хос технологик хусусиятларга эга, улар қаторига ҳамма объектларда қудуқлар учбурчак тўр билан жойлаштирилганлиги, бурғилаш даврининг 5-7 йилни ташкил этганлиги ҳамда сув бостириш усулларининг объектларнинг дастлаб табиий режимда ишлатилгандан сўнг қўлланилганлигини кўрсатиш мумкин.


Тадқиқот объектларидаги нефть уюмларини ишлатиш жараёнида кўплаб технологик кўрсаткичлар турли суръатларда ўзгарсада, уларнинг босқичлар бўйича ўзгариш динамикасида дунёнинг нефть қазиб олиш ўлкаларидаги сув бостириш усуллари қўлланилган кўплаб конларда ўрнатилган маълум қонуниятлар борлиги кўрсатилган: биринчи - объектни саноат миқёсида ўзлаштириш, жадал бурғилаш ва объектни максимал нефть олиш даражасига чиқариш босқичи; иккинчи - максимал ва нисбатан барқарор нефть олиш босқичи; учинчи - қудуқлардан олинаётган маҳсулотнинг тез сувланиши натижасида нефть олишнинг кескин камайиши босқичи; тўртинчи - олинаётган



1-расм. ФНГВда ишлатилаётган конларнинг коллектор тури бўйича А+В+С₁ тоифа нефть захираларининг тақсимланиши.



2-расм. ФНГВда ишлатилаётган конларнинг ётқизиқлар бўйича А+В+С₁ тоифа нефтининг геологик захираларининг тақсимланиши.



3-расм. ФНГВда ишлатилаётган конларнинг ётқизиқлар бўйича А+В+С₁ тоифа нефтининг олинадиган захираларининг тақсимланиши.


суюқликнинг юқори сувланганлиги ва нефть олишнинг кичик суръатлар билан хусусиятланувчи якуний босқичи.

Тасдиқланган ва эришилган нефть қазиб олиш коэффициентларини таққослаб, улар катталигининг кўп объектлар бўйича мос келиши ўрнатилган. Бироқ эришилган нефть қазиб олиш коэффициентининг тасдиқланган катталикларидан кўп ва кичик объектлар ҳам мавжуд. Бунда тасдиқланган нефть қазиб олиш даражасига эришилмасликнинг асосий сабаблари ушбу объектларни чегараланган қудуқлар фонди билан ва сўниш режимларида ишлатиш ҳисобланади. Умуман ФНГВ нинг ҳамма маҳсулдор ётқизиклари бўйича эришилган ўртача нефть қазиб олиш коэффициентининг тасдиқланган катталигидан озлиги аниқланди (4-расм).

Ишлатишнинг ажратилган тўртта босқичи бўйича суюқлик ва нефть олиш суръатлари орасидаги боғлиқлик даражаси тадқиқоти натижасида қуйидагилар аниқланди (5-8-расмлар):


- I ва II босқичларда ушбу кўрсаткичлар орасида катта корреляцион коэффициентларга эга чизиқли боғлиқлик бор, бу карбонат коллекторли уюмлар учун мос равишда 0,995 ва 0,97 га тенг. Суюқлик ва нефть олиш суръатлари орасидаги юқори даражадаги боғлиқлик ушбу босқичларда одатда нефтни сиқиб чиқараётган сув кўламининг қудуқлар тубига етиб бормаганлиги билан тушунтирилади;

- III босқичда ҳам қудуқлар маҳсулотининг сувланишида маълум қонуниятлар сақланиб қолади, суюқлик ва нефть олиш суръатлари орасидаги




4-расм. ФНГВдаги маҳсулдор ётқизикларнинг тасдиқланган ва эришилган ўртача нефть қазиб олиш коэффициентлари:

- - олинган захираларни ҳисоблашда тасдиқлангани;
- - 01.01.2018 йил санасига эришилган катталиги.




5-расм. Карбонат коллекторли объектларда I ишлатиш босқичи учун суюқлик ва нефть олиш суръати боғлиқлиги:

■ - сув бостириш билан ишлатилаётган объектлар; ● - сув бостиришсиз ишлатилаётган объектлар.




6-расм. Карбонат коллекторли объектларда II ишлатиш босқичи учун суюқлик ва нефть олиш суръати боғлиқлиги:

■ - сув бостириш билан ишлатилаётган объектлар; ● - сув бостиришсиз ишлатилаётган объектлар.



7-расм. Карбонат коллекторли объектларда III ишлатиш босқичи учун суюқлик ва нефть олиш суръати боғлиқлиги:

■ - сув бостириш билан ишлатилаётган объектлар; ● - сув бостиришсиз ишлатилаётган объектлар.



8-расм. Карбонат коллекторли объектларда IV ишлатиш босқичи учун суюқлик ва нефть олиш суръати боғлиқлиги: ■ - сув бостириш билан ишлатилаётган объектлар; ● - сув бостиришсиз ишлатилаётган объектлар.

боғлиқликларнинг корреляция коэффициентлари 0,842 ни ташкил этади;

- IV босқичда суюқлик ва нефть олиш суръатлари орасидаги боғлиқликларнинг корреляция коэффициентлари 0,65 гача камаяди.

Анджон конининг ишлатиш объектлари учун нефтни сув билан сиқиб чиқариш тавсифларидан фойдаланиб сув бостиришдан олинган технологик самара баҳоланди. Ҳисоблаш натижаларининг таҳлили ва таққослашга асосланиб қуйидагилар аниқланди:

- сув бостириш усулидан фойдаланиб, маҳсулдор қатламлардан турли миқдорда нефть қазиб олиш коэффициентига эришилган, энг каттаси I қатламдаги нефть уюмида - 22,95%, энг кичиги III қатламдаги нефть уюмида - 4,65%;

- табиий режимларда ишлатилаётган объектларга нисбатан, сув бостириш билан ишлатилаётган объектларда юқори нефть қазиб олиш коэффициентларига эришилган.

Қатламларнинг геологик-кон кўрсаткичлари яқин бўлишига қарамасдан, уларни ягона ишлатиш объектига бирлаштиришда олинадиган нефть захираларининг бир қисмининг йўқотилиши кўрсатилган. ФНГВ даги узок муддат ишлатилаётган объектларнинг геологик-физик шароитларида маҳсулдор қатламларни алоҳида ишлатиш якуний нефть қазиб олиш коэффициентининг ягона объектга бирлаштирилган қатламларга нисбатан 20-23% ортиқ бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг “**Маҳсулдор қатламларнинг сув бостириш усуллари**ни ўзлаштириш ва такомиллаштириш динамикаси” номли учинчи бобида нефть уюмларини сув бостириш сувнинг арзонлиги, етарлилиги, нефтни нисбатан самарали сиқиб чиқариши сабабли нефть қазиб олишни орттиришнинг энг кенг фойдаланиладиган усули эканлиги кўрсатилган. Аммо, нефть уюмлари ҳолатининг турли табиий шароитлардалиги сабабли, сув бостириш усуллари ишлатиш объектларининг геологик-физик хусусиятларини янада тўлароқ ҳисобга олиш йўналишида такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ҳозирги вақтга қадар

давом этмоқда. Бунда дунёнинг турли нефть қазиб олиш ўлкаларида нефть уюмларининг сув бостириш тизимлари турли йўллар билан амалга оширилмоқда.

Шу сабабли жараёни бошлаш вақти, қудуқларни жойлаштириш ва тўрининг зичлиги, қудуқларни бурғилаш тартиби, қудуқларнинг сувланиши сабабли беркитиш вақти, сув ҳайдаш ва суюқлик олиш суръати, сув-нефтли зоналарни ва кўп қатламли конларни ишлатиш, ҳайдалаётган сув хоссалари ва бошқа кўрсаткичлар билан фарқ қилувчи турли сув бостириш тизимлари юзага келди.

ФНГВ даги кўплаб нефть уюмларида сув бостириш тизимларини ўзлаштириш ва ишлатиш жараёнида кўп марталаб ўзгартиришлар киритилган, улар асосан сув ҳайдаш чизигини нефть олиш зонасига яқинлаштириш, сув ҳайдаш ҳажмини чегаралаш ёки ошириш, сув ҳайдашни вақтинча тўхтатиш, айрим ҳолларда эса сув бостириш тизимидан тўлиқ воз кечишдан иборат бўлган.

Чегара олди сув бостириш ФНГВ даги 90% дан ортиқ объектларда амалга оширилди, аммо унинг самарадорлиги уюмларнинг қуйидаги хусусиятларининг салбий таъсири натижасида паст булди:

- маҳсулдор қатламларнинг турлилиги ва уларнинг коллекторлик хоссаларининг сув-нефть туташ юзаси атрофида ёмонлашиши;
- тектоник ва литологик тўсиқлар, кенг ювилган зоналар ва горизонтларнинг қийикланиши туфайли уюмларнинг алоҳида қисмлари орасида гидродинамик боғлиқликнинг ёмонлиги;
- ФНГВ даги карбонат ва чақиқ коллекторларнинг катта қисмидаги сизилиш хусусиятларининг кичиклиги ва уларнинг кесимида гилли қатламчаларнинг борлиги.

Чегара олди сув бостириш усулининг кам самарадорлиги сабабли сув ҳайдаш чизигини бошланғичдан жорий нефтлилик чегарасига кўчириб, мураккаб турлари: чегара олдининг ўчоқсимон; куббали; ўқсимон; уюмни қисмларга бўлиш турлари билан бирга ўзлаштирилган.

ФНГВдаги нефть уюмларининг геологик-физик шароитларида энг яхши натижаларга чегара олди сув бостириш билан бир вақтда уюмнинг кубба қисмига газ ҳайдаш (Чўнғора-Ғалча конининг IV горизонтида ва Шимолий Сўҳ конининг VIII горизонтида) ва чегара олди билан ўчоқсимон сув бостириш (Андижон конининг III горизонтида) турларида эришилган; энг ёмон натижалар чегара олдини ўқсимон билан бирга амалга оширилганда олинганлиги кўрсатилган (Жанубий Оламушук конининг I, V+VI, VIII горизонтлари, Бўстон конининг III горизонти).

Диссертациянинг **“Нефть қазиб олиш коэффициентига геологик-кон кўрсаткичларининг таъсири даражасини баҳолаш”** номли тўртинчи бобида корреляцион таҳлил усули билан нефть қазиб олиш коэффициенти катталигига турли геологик омилларнинг таъсири миқдори баҳоланган. Бажарилган ҳисоблашлар натижасида нефтнинг қотиш ҳароратидан бошқа кўрсаткичларнинг таъсири аниқланмаган. Геологик-физик кўрсаткичлар билан нефть қазиб олиш коэффициенти орасида корреляцион боғлиқликнинг

йўқлиги тадқиқот объектларида кўрилган кўрсаткичларнинг катта ораликда ўзгармаслиги ҳамда уларнинг нефть олиш жараёнига бир вақтда таъсири билан изоҳланган.

Нефть қазиб олиш коэффицентининг эришилган катталигини изоҳлаш учун Манн-Уитни, Ван-дер-Варден нопараметрик мезонлари ва Кульбак ўлчами қўлланилиб, геологик-физик ва технологик кўрсаткичларнинг маълумотдорлиги баҳоланган. ФНГВ даги объектларнинг геологик-физик ва ишлатиш технологик кўрсаткиларида якуний ва жорий нефть қазиб олиш коэффицентига жорий (сув бостириш бошланган вақтдаги) қатлам босими ва нефтнинг газга тўйиниш босими нисбати, максимал қудуқлар тўри зичлиги, қатламнинг гидроўтказувчанлиги ва ювилганлик коэффицентлари энг катта таъсир этиши ўрганилди (1-жадвал).

Нефть қазиб олиш коэффицентини оширишнинг асосий йўналишлари ишчи омилларнинг ва техник воситаларнинг борлиги ва кам харажатлилиги, жараёни жорий этишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, уларнинг самарадорлиги, амалга оширишнинг мураккаб эмаслиги ва экологик софлиги эканлигига асосланиши кўрсатилган. Нефть қазиб олиш коэффицентини ошириш усулларининг ФНГВ даги тадқиқот объектларининг геологик-физик шароитларига ва жорий ишлатиш ҳолатига энг истиқболлилиги ва самарадорлиги даврий бўлмаган сув бостириш ва физик-кимёвий усуллар ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Нефть қазиб олиш коэффицентини катталигини аниқловчи асосий омилларнинг тадқиқоти”** номли бешинчи боби баёнида назарий, экспериментал ва кон тадқиқотлари натижаларига кўра нефть уюмларида сув бостиришдан максимал самара қатлам энергияси маълум даражада камайгандан сўнг амалга оширилганда эришилиши, бунда қатлам босимини пасайтириш даражаси уюмларнинг геологик-физик шароитлари ва қатлам суюқликлари хоссаларига боғлиқ равишда катта ораликда ўзгариши ёритилган. ФНГВдаги қатламсимон нефть уюмлари учун нисбатан юқори нефть қазиб олиш коэффицентига сув бостириш жорий қатлам босими билан нефтнинг газга тўйиниш босими нисбати 0,6 дан 0,8 гача ўзгарганда эришилиши аниқланган (9-расм).


Қудуқларнинг гидродинамик тадқиқотлари натижалари асосида қудуқларни сув бостиришгача туб босимини нефтнинг газга тўйиниш босимидан кичик ҳолда ишлатишдан сўнг ва кейинги сув бостириш жараёнида туб босимини нефтнинг газга тўйиниш босимигача кўтариш натижасида қудуқнинг бошланғич маҳсулдорлигини тиклаш мумкинлиги кўрсатилган. Ушбу хулоса катта амалий аҳамиятга эга, чунки фаввораланиш шартларини бажариш заруриятдан қудуқларнинг кўп ҳолларда туб босими нефтнинг газга тўйиниш босимидан паст қилиб ишлатилади.

Конларда амалга оширилган ишлатиш тизимлари самарадорлигини баҳолаш мезони сифатида нефть билан тўйинган қатлам ҳажмининг бир хил ювилганлик даражасида эришилган нефть қазиб олиш коэффицентини қабул қилинди,

$$НҚОК = f(\tau), \quad (1)$$

Турли геологик-физик ва технологик кўрсаткичларнинг маълумотдорлик даражасини ҳисоблаш натижалари

Нефть қазиб олиш коэффициентига таъсир этувчи геологик-физик ва технологик кўрсаткичлар	U-Манн-Уитни мезони	X-Ван-дер-Варден мезони	Кульбак ўлчови
	Икки тарафлама мезон, аҳамиятлилик даражаси $\alpha = 0,05$ ёки $0,01$		
$\eta_k = \varphi(kh/\mu_H)$	маълумотдор	маълумотдор	1,98
$\eta_k = \varphi(kr_H/m)$	маълумотдор эмас	маълумотдор эмас	0,44
$\eta_k = \varphi(P_{\text{жор.з}}/P_{\text{тўй}})$	маълумотдор	маълумотдор	4,10
$\eta_k = \varphi(S_{\text{max}})$	маълумотдор	маълумотдор эмас	3,14
$\eta_k = \varphi(S_{\text{ўрта}})$	маълумотдор эмас	маълумотдор эмас	-
$\eta_k = \varphi(n_{\text{max}})$	маълумотдор эмас	маълумотдор эмас	-
$\eta_k = \varphi(n_{\text{ўрта}})$	маълумотдор эмас	маълумотдор эмас	0,21
$\eta_T = \varphi(Q_{\text{суюқ}}/Q_{\text{геол.}})$	маълумотдор	маълумотдор	1,76
$\eta_T = \varphi(Q_{\text{с.б}}/Q_{\text{геол.}})$	Ечим аниқ эмас		1,29
$\eta_T = \varphi(Q_{\text{с.б}}/Q_{\text{геол.}})$	маълумотдор эмас	маълумотдор эмас	1,65



9-расм. Нефть қазиб олиш коэффициенти нефтнинг газга тўйиниш орқали ифодаланган сув бостириш бошланган вақтидаги жорий қатлам босимига боғлиқлиги:

1, 2, 3 - Хўжаобод кони III, VII, VIII горизонтлар; 4, 5, 6, 7 - Жанубий Оламушук кони I, ККС, III, V+VI+VII горизонтлар; 8 - Бўстон кони III горизонт; 9, 10 - Андижон кони III горизонт кўтарилма ости ва шарқий майдон; 11-Чўнғара-Ғальча кони IV горизонт; 12 - Шимолий Сўх кони VIII горизонт; 13 - Чанғиртош кони III горизонт; 14 - Избоскент кони IX горизонт; 15 - Нефтобод кони II горизонт; 16 - Ким кони VII горизонт.

бунда $\tau = \sum Q_{\text{суюқ}}/\text{БГЗ}$ - ювилганлик даражаси, $\sum Q_{\text{суюқ}}$ - қатлам шароитида жамғарма олинган суюқлик; БГЗ - нефтнинг бошланғич геологик захираси.

